# "Shonli va saboqli o'tmish"

# ШОНЛИ ВА САБОҚЛИ ЎТМИШ

**Мухтор ШАМСИЕВ,**
"Oʻzbekiston tarixi" журнали таҳририяти масъул котиби

**Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихининг турли босқич ва йўналишлари бўйича энг сўнгги илмий янгиликларни етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган "Oʻzbekiston tarixi" журналининг 2-сони дунё юзини кўрди.**

Салкам тўрт йил бурун миллатимиз ҳаётида бошланган янгиланишлар ва эврилишлар даври талаблари умуман тарихчилар, хусусан, журналимиз фаолиятини ҳам четлаб ўтмагани табиий. Давлатимиз раҳбарининг: *"Тарихга сергак қараган одамгина доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам, келгуси жараёнларга ҳам холис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартидир"*, деган сўзлари жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, биз тарихчилар учун ўзига хос дастуриламалдир, десак адашмаймиз.

Негаки замондошлар, айниқса, ёш авлод тарихий тафаккурини шакллантириш, уларни эл-юртга садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлаш осон жараён эмаслигини биз яхши тушунамиз. Бунинг учун эса, аввало, биз ўзимиз ўзгаришимиз, ҳаётга, ишга бошқача кўз билан қарашимиз лозим бўлади.

Журналимизнинг навбатдаги сони ҳам айнан худди шу нуқтаи назардан, ҳам мазмунан, ҳам шаклан янгиланган равишда тайёрланганлиги баробарида, асосан, ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабага қўшган тенгсиз улушига бағишланганини алоҳида ургулаган бўлардик. Давлатимиз раҳбарининг Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи билан бошланадиган "Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон" рукнидан ўрин олган ўнта мақола юртимиз етакчи ва ёш олимлари томонидан аниқланган янги архив ҳужжатлари асосида ёзилган. Масалан, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Ҳасан Бобожонов СССР саноатининг 33 фоизини, ғаллачилик, чорвачилик, қанд лавлагичилигининг каттагина улушини таъминлаб берадиган ғарбий ҳудудлар фашистлар томонидан босиб олингани шароитида туғилган танглиқдан чиқиб кетишда Ўзбекистоннинг тарихий хизматини аниқ ҳужжатлар ва рақамлар орқали таҳлил қилиб берган. Ўзбекистон энг зарур ҳарбий-саноат, озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотларини фронтга етказиб беришдан ташқари, Россия, Украинанинг душмандан озод этилган ҳудудларида ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини тиклашда беғараз ва улкан ёрдам кўрсатганига оид гувоҳликлар ўқувчиларда катта таассурот қолдиради, деб ишонамиз.

Профессор Қаҳрамон Ражабов мақоласида ўзбек аскар ва офицерларининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида олиб борган жангу жадаллари, улар дуч келган қийинчиликлар, кўрсатган қаҳрамонликлар қулоқтли равишда ёритиб берилади.




Тарих институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Муҳайё Исоқова ва магистрант Мадина Муҳаммаджонова диққатни ўзбек аёлларининг Иккинчи жаҳон уруши йиллари фронт орти ишларидаги жасорати, сабр-бардоши ва меҳнаткашлиги тамғаланиб қолган архив ҳужжатларини янгича ёндашувлар асосида таҳлил қилишга қаратганлар. Ёш олима Машҳура Дармонованинг мақоласида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга кўчириб келинган корхоналарни ишга тушириш, ўта зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ўзбек халқи, айниқса, кексалар, хотин-қизлар, ҳатто болаларнинг заҳматкашлиги ва фидойилиги ёритилган.

Тарих фанлари доктори Нодира Мустафоева уруш йилларида кўчириб келтирилган минглаб ёшлар ва қарияларга бошпана бўлган ўзбек диёри, халқимизнинг инсоний фазилатларидан гувоҳлик берувчи архив ҳужжатлари, шунингдек, бадиий адабиётлар асосида ноанъанавий ёндашувларни қўллаган ҳолда жуда қизиқарли ва фойдали мақола тайёрлаган. Тарих институти ёш олими Муҳаммадали Назирхўжаевнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида асир олинган япон аскарларининг юртимизда кечган ҳаётига оид таҳлил ҳақида баёнлари қизиқарли тасвирланган.

Журналнинг илмий изланувчилар учун жозибадорлигини оширадиган янги жиҳати шунда шу чоққача "теша тегмаган" архив ҳужжатларининг эълон қилина бошлаганидир. Ушбу сонда Ўзбекистоннинг уруш йилларидаги турмуши, хусусан, кўчириб келтирилганларни қабул қилиш, жойлаштириш, фронтга юборилган беғараз ёрдамларга доир қимматли ва янги ҳужжатлар тўғридан-тўғри эълон қилинмоқда.

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Эркинжон Ражабовнинг бу галги изланиши эса "Темир генерал" лақаби билан машҳур бўлган Собир Раҳимовнинг ҳаёти ва ҳарбий фаолияти, қатағондан қутулиб қолгани, жанг майдонларида кўрсатган ботирлик ва мардлигига оид ҳозиргача эълон қилинмаган янги маълумотлар таҳлилига бағишлангандир.**

**Журналнинг тарихшунослик, манбашунослик, элшунослик, тангашунослик, қадимшунослик ва ёш изланувчи каби рукнлари тилга олинган йўналишларда теран илмий изланишлар олиб бораётганлар учун ўзига хос минбар бўлади, деб ишонамиз. Бир сўз билан айтганда, янгича мазмун ва кўринишда чоп этила бошланган "Oʻzbekiston tarixi" журнали тарихчи олимлар, таълим муассасалари ўқитувчилари, ота-боболарининг шонли ва сабоқли ўтмишига қизиқувчиларда катта қизиқиш уйғотишига шубҳа қилмаймиз.**